




ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2002 йил 6 апрел, шанба №56 (1273)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Аннемари Шиммельни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш ҳақида
Ўзбек халқининг бой маданий-маънавий мероси ва тарихини ўрганиш ҳамда жаҳонда тарғиб этишдаги улкан ютуқлари, шунингдек, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун шарқшунос олима ва жамоат арбоби Аннемари Шиммель «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2002 йил 27 март И.КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 апрел куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг Халқаро муносабатлар бўйича қўмитаси аъзоси, Фан бўйича қўмитанинг Кўйинот ва аэронавтика масалалари бўйича ички қўмитаси раиси Дана Роурбахер раҳбарлигидаги конгрессменлар делегациясини қабул қилди.
11 сентябрдан кейин терроризмга қарши курашда АҚШни қатъият билан қўллаб-қувватлагани ҳам сабаб бўлганини таъкидламоқ керак.

АҚШ Конгрессининг мамлакатимизга ташриф буюраётган делегациялари сони кўпайгани эса Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари изчиллик билан ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир.
Учрашувда конгрессменлар халқаро аксил-террор коалициясини қўллаб-қувватлагани учун

(ЎзА).

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Швейцария Конфедерацияси Федерал маслаҳатчиси ва Федерал ташқи ишлар департаменти раҳбари Йозеф Дайсс бошчилигидаги Швейцария Конфедерацияси делегацияси Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

ҲОЙДАЛИ СУҲБАТ

Меҳмонлар қадимий Хивадаги «Ичан-қалъа» музей-қўриқонаси билан танишди.
- Ўзбекистонга ташриф буюрган миздан буюн кўплаб учрашувлар ва ўзаро ҳождали суҳбатлар ўтказилди, - деди жаноб Йозеф Дайсс. - Шунингдек, таъкидламоқчиманки, бундай мулоқотлар натижасида мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик соҳалари аниқлаб олинди.

Қўқон шаҳридаги Кимёгарлар мавзеида янги мурувват уйи фойдаланишга топширилди. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан туҳфа қилинган янги масканда 300 нафар қаровчилар парваришига муҳтож кексалар истиқомат қилади. Мурувват масканида 96 миллион сўмлик қурилиш-монтаж, таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, Фарғонадаги «Сайқал» ишлаб чиқариш корхонаси мурувват уйига 10 та ногиронлар аравачаси тайёрлаб берди. Беш гектарли боғ, даволаниш ҳамда дам олиш хоналари бундан буюн отахон ва онахонлар хизматида бўлади.
(ЎзА).

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 5 апрел куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз иштини давом эттирди. Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайловларини ўтказиш мuddатлари ҳақида кўплаб саволлар келиб тушаётгани муносабати билан парламент Раиси депутатлар гуруҳининг ташаббусига кўра, 2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Референдуми қарорлари ва «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонун асосида тегишли қарор қабул қилиш тақлифини сессия муҳокамасига ҳавола этди. Депутатлар бу тақлифни қўллаб-қувватлади ва навбатдаги сайловларни ўтказиш мuddатлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Иқтисодиётни ислох қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев сессия муҳокамасига «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўйди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида «Ўзқш-лоқхўжалик-маш-холдинг»

Депутатлар қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.
«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов маъруза қилди. Мазкур масала муҳокамасида Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова, Андижон тумани ҳокими Х.Ҳакимов, Навоий тумани ҳокими Э.Бердиев сўзга чиқди. Парламент қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

«Чикиндилар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида сессияда Олий Мажлиснинг аъзо-роф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси котиби Э.Мирзаев ахборот берди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Элиқалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, Тошкент давлат аграр университети кафедраси мудири А.Абдурахимов, Фарғона тумани

рим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритди.

Олий Мажлис Қозғоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида фуқаролик ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномаларни ратификация қилди. Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг айрим қарорларини тасдиқлади.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг саккизинчи сессияси котибияти раҳбари Г.Латиповнинг сессия давомида фуқаролардан келиб тушган муурожаатлар ҳақидаги ахборотини тинглади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2001 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2001 йилдаги фаолияти ҳақида маъ-

Бекободлик Шахзода Эшонқулова илгари уйда ўтирар эди. Бугун - тадбиркор. Хусусий фирмаси бор. Қўлида йигирмага яқин хотин-қиз ишлайди. Бу қўли гул чеварлар тикаётган кўрпалар, чойшаб ҳамда махсус кийимларнинг харидори кўп. Бултур улар «Далварзин» пахта тозалаш заводи, туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар боғчалари, марказий касалхона учун икки миллион сўмлик бежирим махсуслот этказиб беришиди.

бита қурилиш, тўртта савдо-сотиқ билан шуғулланувчи кичик корхона иш бошлади. - дейди туман ҳокимилиги қошидаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими бошлиғи О.Охунов. - Ҳозирда бундай тадбиркорлар сони 500 дан ошиб кетди.

кўрсатишдаги уларнинг саломати бир ярим бараварга ўсди. Бироқ кичик ва хусусий корхоналарнинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши атиги 13,7 фоизни, пудрат ишларида 19,3 фоизни ташкил этади, холос.

Утган йили кичик ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига корхона йўқ, дейди О.Охунов. - Хориж сармоясини олиб кириш билан боғлиқ лойиҳалар ҳам ҳадеганда банкларга тақдим этилмапти. Шу боисдан бу ерда туман ҳудудида биронта қўшма корхона йўқлиги бекободликларни ажаблантирмакда.

«Далварзин» таъмирлаш корхонаси хитойлик, «Авангард» хўжалиги саудиялик сармоядорлар билан музокаралар олиб борган эди. Аммо бу ҳаракатлар турли сабабларга кўра тўхтаб қолди.

Тумандаги мавжуд ер ресурслари меҳнатта лаёқатли аҳолининг 25 фоизига етади, холос. Саноат корхоналари эса ҳозирча бармоқ билан санали. Ҳар йили мингдан ортиқ йилгит-қиз мустақил ҳаётига қадам қўётганини ҳисобга олсак, туманда иш ўрини қўйиб қанчаларини биллиш қийин бўлмайди. Бу талаб-эҳтиёжни кичик ва хусусий корхоналари янада ривожлантириш, замонавий қўшма корхоналар очиш орқалигина ҳал этиш мумкин.

Н.ДУШАЕВ.



компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов, Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Ромитон тумани ҳокими А.Нозимов иштирок этди.

Қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги каби сугурта тизимини кенг қўллаш зарурлигини таъкидлади. Сугурта ҳаётимизнинг меъёрига айланиши лозим, шу сабабли уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш зарур.

марказий шифохонаси бош шифокори М.Мамажонов иштирок этди.
Президент Ислам Каримов ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасида чикиндиларга эғаллик қилиш ҳуқуқларига оид моддага ўзгартириш киритишни тақлиф этди.

Олий Мажлис давлатимиз раҳбари тақлифини инобатга олиб, мазкур қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессия парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафарова маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг ай-

руза қилди. Депутатлар Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, «Бухоросувқурилиш» очик турдаги акционерлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Э.Ҳайдаровнинг чиқишларидан сўнг ушбу ҳужжатни тасдиқлади.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикасининг саккизинчи сессияси ўз иштини яқунлади.

УММОН ОРТИГА САФАР

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр пайшанба куни АҚШга амалий ташриф билан борди. АҚШ президенти Жорж Буш билан бўлган учрашувларда дастлаб Яқин Шарқдаги қалтис вазият ҳақида гап борди. Ҳар икки томон Исроил билан Фаластин муҳторияти ўртасидаги қуроли тўқнашувларни дарҳол тўхтатиш лозим деган қарорга келдилар. Шунингдек, мулоқотларда НАТОнинг шарқ томонга кенгайтиши, яқин келажақда Ироққа нисбатан бўладиган муносабатлар хусусида ҳам фикрлар алмашинди.



МОЖАРОНИ ЖИЛОВЛАШ МАҚСАДИДА

Исроил билан Фаластин муҳторияти ўртасида тобора авж олиб бораётган қуроли можарони жиловлан мақсадида бу ерга куни-кеча Оврўпо Иттифоқининг ташқи сиёсат ҳамда ҳафсизлик бўйича Олий вакили Хавьер Солана ва Испания ташқи ишлар вазири Хосеп Пике келдилар. Уларнинг асосий мақсади Исроил бош вазири Ариэль Шарон ва Фаластин миллий

муҳторияти раҳбари Ёсир Арофат билан учрашиб, Исроилдан БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг ўтган ҳафтада қабул қилган 1402-резолуциясини сўзсиз бажарилишини талаб қилишдир. Шу орада Оврўпо Иттифоқининг тинчлик ўрнатиш саъй-ҳаракатларида фаол иштирок этаётган Франция Яқин Шарққа халқаро тинчликпарвар кучлар киритишни тақлиф этди. Бош вазир Л.Жоспен сўзларига қараганда, «Фаластиндаги киргинбаротликни дарҳол тўхтатиш лозим». «Халқаро ҳамжамият ҳарбий

кучлар воситасида масъулиятни ўз зиммасига оладиган вақт келди».

ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҚОНИҚАРЛИ ЭМАС

Яқинда Москвада халқаро аксилтеррор форуми бошқарувининг биринчи мажлиси ўз иштини яқунлади. Шу тариқа АҚШ, Олмон ва Россия терроризмга қарши кураш бўйича ягона қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда дастлабки қадамни қўйдилар. Анжуманда жаҳон миқёсида жиноятчиликнинг

йилдан-йилга ортаётганлиги таассуф билан қайд этилди. Жумладан, сўнгги 30 йил ичида МДҲга аъзо мамлакатлар ва АҚШда жиноятчилик 8 марта, Буюк Британия ва Швецияда 7, Францияда 6 марта ошган. БМТ маълумотларига қараганда, ўтган асрнинг 90-йилларида жиноятчилик ҳар йили 5 фоиздан ортиб борган. Аҳоли эса бор-йўғи 1 фоиз кўпайган.

АЛВИДО, ЕЛИЗАВЕТА МОМО!

Жорий йилнинг 30 март куни вафот этган Буюк Бри-

тания қироличаси, Елизавета IIнинг волидаи муҳтарамаси — «Англия миллиатининг онаси» Елизаветанинг дафн маросимига катта тайёргарлик қўрилмоқда. Момо-қиролича 102 ёшда эди. 5 апрелдан саккизинчи апрелга ҳасад видолашув учун Вестминстер саройига қўйилади. Тантанали дафн маросими 9 апрелда Вестминстер аббатлигида ўтказилади. Сўнгра майиит Виндзор саройига келтирилади ва қирол Георг VI ёнига жойлаштирилади. Англияда ўн кунлик мотам эълон қилинди.

ИСМИ-ЖИСМИГА НОМОНАН ЭКАН

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Хитой олийгоҳларидан бирини туғатган ёш талаба қиз мана анча вақтдан буюн иш тополмай, сарсонсаргардон бўлиб юрибди. Маълум бўлишича, бунга сабаб унинг исми экан. Иш берувчилар ёш қизнинг исмини эшитиши биланок, дарҳол у билан гапни қисқа қилиб қўя қоладилар. Чунки Пэй деган исм хитойча «пул соғувувчиси» деган маънони ҳам англатар экан.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Яқинда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари республика касабаси уюшмалари Марказий кўмитаси Тошкент Ислам университетиде соҳа ходимларининг ҳафталик малака ошириш ўқувини ташкил қилди. Аини пайтда долзарб ҳисобланган — «Президент асарларида қадрият ва маънавият фалсафаси», «Миллий истиқлол гоёси», «Урта осийлик фахилар», «Хадис илми», «Исламда экстремистик гуруҳларнинг юзага келиш сабаблари» сингари мавзуларда маърузалар тингланди. Ўқув семинарларида иштирок этган касабаси уюшма фаоллари билимларини ошириш билан биргаликда бой тажрибалари билан ҳам ўртоқлашди.

ИЛМНИ СЕВГАН ҲАЁТНИ СЕВАДИ

Мамлакатимиз ҳаётида янгича даврнинг бошланганлигига анча бўлди. Шу боис жамиятимиз аъзолари тафаккури ўзгариб, миллий истиқлол гоёлари кундан-кунга ёрқинроқ шаклланиб бормоқда. Шу ўринда давлат билан жамоат ташкилотлари ўртасида муштарак мақсадларга йўғрилган янги анъаналар билан боғланган жараёнлар вужудга келмоқда. Касабаси уюшмалари бугунги кунда ўз аъзолари номидан иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик муносабатларини тўғри ўрнатиш учун замонга мос тамойиллар, миллий, маънавий, маданий қадриятларини мизни чуқур билиши катта аҳамиятга эга деб ўйлайман. Шу маънода марказий кўмита ташаббуси билан Ислам уни-

верситетиде ташкил этилган ушбу ўқув жуда фойдали бўлди. Ислам университети ўқитувчилари ва профессорлари сермазмун, қизиқарли маърузалар ўқиб, билимлари-

Касабаси уюшма фаоллари ўқуви

ИЛФОР ТАЖРИБА ҚЎЛ КЕЛАДИ

Айни кунларда касабаси уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири фаоллар ўқувини ташкил қилишдир. Зотан вақти-вақти билан касабаси уюшмалари фаоллари ва раҳбарларининг сиёсий, ҳуқуқий, касбий билимларини ошириб бориш сўзсиз иш самарасини яхшилайди. Шу маънода давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмалари Марказий кўмитаси раҳбарияти олиб бораётган ишларни ҳам ибратли деб айтиш мумкин. Қатор йиллар давомида

Шухрат ХАЛИЛОВ,
Навоий вилояти Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси.



жойларда ва пойтахтда ўтказилаётган турли мавқедаги ўқувларда ва малака ошириш курсларида тингловчилар билимлари лозим даражада ошириб борилмоқда. Хусусан, Ислам университети қошида ўтказилган ҳафталик ўқув-семинар давомида етакчи ишловчи, шарқшунос олимлар томонидан Ислам тарихи, унинг моҳияти, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифалари ҳақида ўқилган маърузалар тингловчиларга жуда маъқул бўлди. Устоз олимлардан У.Уватов, З.Хусниддинов, О.Юсупов, А.Ҳасанов, А.Жузжонид, А.Мансуров, Р.Обидов сингариларнинг маърузалари бизда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари Э.Ўқубовнинг мамлакат касабаси уюшмалари фаолияти, унинг ривожига ва чет эллардаги касабаси уюшмалари билан ўрнатилган алоқалар хусусидаги суҳбат иштирокчилар дунёқарашини анча кенгайтди.

Азизбек АБДУРАҲМОНОВ,
Андижон вилояти Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси.

ИЗЛАНИШ

Жондор туманида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик иқтисодийнинг асосий таянчига айланган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар сони 5 минг кишидан ошиб кетганлиги бунинг ёрқин далилидир. Ўрта ва кичик бизнес субъектларининг сони 380 та бўлса, деҳқон хўжаликлари 340, фермер жамоалари сони эса 700 тани ташкил қилмоқда.

«МИРШОД» ШОД ҚИЛМОҚДА

«Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг Бўрибоғи қишлоғидаги «Миршод» фирмаси фаолияти аҳолига айниқас манзур бўлмоқда. Тадбиркор аёл Нигора Бозорованинг номи жуда қисқа фурсатда тилга тушди. Ушбу фирма тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган сопол товоқлар, қосалар, пилёна-чойнақлар, кўзачалар, гултувағи хар хил буюмлар арзон, сифатли, бежиримлиги билан харидорлар диққатини тортмоқда.

— Тез орада Самарқанд, Хоразм чиннисидан қилинмайдиган рўзгор буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. — дейди фирма раҳбари.

Варашалиқ тадбиркор уста Ери Бақоев, Маҳмуд Торобий номли ширкат хўжалиғидаги ака-ука темирчи усталар Умид ва Насриддин Бақоевларни ҳам бугун туманда танимайдиган киши йўқ.

— Туманимизда тадбиркорлик ҳаракати кун сайин кенг қулоқ ёймоқда. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорлар билан ошқорча, жонли мулоқотлар, суҳбатлар, семинарлар ўтказишга алоҳида эътиборни қаратмоқдамиз. Уларга имтиёзли равишда 160 миллион сўмлик кредит маблағлари олиб берилди. Кейинги йилларда 200 та янги иш ўринлари яратилди. 500 нафарга яқин йигит ва қиз касб-хунар ўрганиш курсларига жалб этилди. — дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси Файзулла Обидов.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

СЕМИНАР ҚАТНАШЧИЛАРИ ҚУВАСОЙДА

Курилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси томонидан «Тармоқ касабаси уюшмасининг вазифалари тўғрисида» республика ҳудудий ўқув-семинари ўтказилди. Унда вилоятлар касабаси уюшма ташкилотлари, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари тармоқ корхоналари касабаси уюшма кўмиталари раислари ҳамда ҳисобчилари иштирок этишди.

Семинар қатнашчилари ташкилий ишлар, корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши назоратини ташкил этиш ҳамда тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларини тайёрлаш, қабул қилиш, уларнинг бажарилишини назорат этиш тўғрисида қизиқарли суҳбатлар

тинглади. Шунингдек, бюджетни режалаш, уни бажариш, молиявий ҳисоб ва ҳисоботлар тўғрисида ҳам маърузалар бўлиб ўтди.

Ўқув семинар низоҳасида касабаси уюшмаси ходимлари билан вилоят ташкилотлари раҳбарлари ва Марказий кўмита ходимлари «Давра суҳбати» ўтказилди.

«Қувасойсмент» хиссадорлик жамияти бошқаруви раиси М.Меҳмонов ва касабаси уюшма кўмитаси раиси Р.Фозиловлар корхонада меҳнатқиларнинг ишлаш ва дам олишлари учун яратилган шароит билан таништирдилар.

Семинар кенгашининг иккинчи кунини вилоят ташкилотлари раҳбарлари ва Фарғона вилоят касабаси уюшма Кенгаши раҳбарияти иштирокида Марказий кўмита Раёсатининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Унда Фарғона вилоят тармоқ кўмитаси томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилишининг назорат қилиниши, Наманган вилояти тармоқ Кенгашида тармоқ Ҳаракат Дастиркининг маданий-оммавий спорт-соғломлаштириш ишларининг бажарилиши юзасидан амалда оширилаётган тадбирлар ҳамда Раёсат ваколатига кирувчи қатор масалалар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

А. ТОШПҮЛАТОВ,
Курилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитасининг етакчи мутахассиси.

«ЁШЛАР МУАММОЛАРИ» ИНСТИТУТИДА

Бир йилдирки, Кумқўрғонда «Ёшлар муаммолари» институти нодавлат ташкилот сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бу масканнинг мақсади, кишлоқ ёшлари муаммоларини ўрганиб, бартароф этишдир.

Институт тасарруфиде «Заковат» клуби ташкил этилган бўлиб, унда 100 нафардан ортиқ ёшлар билимларини ошириб бормоқда. «Илхом» клуби эса 25 нафар ёш қаламкашларнинг истеъдо қирраларини намойиш этмоқда.

— Ёшларга тикув-бичув, қуроқчилик санъати, зардўзлик, каштачилик, сартарошлик, мусавирлик, қандолатчилик сирлари ўргатилмоқда, — дейди институт директори Бахтигул Норматова. — Биз ёшларни нафақат касб йўналишларига ўргатиб қолмасдан балки, бир вақтнинг ўзида уларга ҳуқуқий билим, соғлом ҳаёт тарзи сабақлари ҳақида ҳам тушунча бермоқдамиз. Ўқувчиларимиз кам таъминланган оилаларда воғга етаётганлар бўлганлиги учун уларни касб-хунарга ўргатиб, иш билан банд этиш бурчимиздир. Хусусан, 2002 йилда «Махсус Бизнес» режамиз бор.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Ҳар бир фуқаро эмин-эркин яшаш, меҳнат қилиш, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш учун барча имкониятга эга. Шундай бўлса-да, баъзи меҳнат жамоаларининг етакчилари, мутахассислари «мен раҳбарман, меники тўғри» қабиллада иш юритиб, адолатсизликка йўл қўйишганини сезмай қолмайдими. Пировадиде ўзлари афсус қилиб, ноқонуний буйруқни бекор қилишга мажбур бўлишади. Қуйидаги мисоллар бунинг исботидир.

Чирчиқ шаҳридаги вилоят руҳий касаликлар диспансерида ҳам худди шундай воқеа юз берди. Шифокор Бақодир Хожиев тоби қочиб қолганлиги боис ўтган йилнинг 21 декабридан жорий йилнинг 4 январига қадар даволанди. Ишга келиши биланоқ унинг бўша-тилганлигини билдиришиб, меҳнат дафтарчасини ҳамда бош ҳақим Ф.Шоносирова имзоси қўйилган буйруқни туқ-

ни сақлаш ходимлари касабаси уюшма кўмитасига ёзма равишда мурожаат этди. Мазкур шикоят хати вилоят тармоқ кўмитасининг ходимлари томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилди ва шифокор Б.Хо-

живнинг қўлида касаллик варақаси бўла туриб, ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлиги аниқланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 74-моддасига асосан меҳнат шартномаси икки нусхада тузилиб, иш берувчи ҳамда ишга кирувчига бир нусхадан топширилиши

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

«НУРОНИЙ» ДЎКОНИ

Навоий шаҳрида «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан «Лутфулло» фирмаси қошида «Нуронийлар» дўкони ишга тушди. Бу ерда 10 минг нафарга яқин кам таъминланган, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ноғиронларни нархи арзонлаштирилган 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб турилибди.

Шаҳардаги «Матонат», «Янгиарик» маҳалла фуқаролар йиғини худудида қариялар учун «Кексалар гузари» қурилди.

Кармана туманида эса «Фахрийлар уйи» қурилиши бошланди. Нуроний отахонлар ва онахонларнинг мамлакатимиздаги турли зиёратгоҳларга бепул саёхати ҳам уюштирилмоқда. Яқинда 70 нафар қария Бухоро шаҳридаги Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига бориб келди. Шунингдек, ёлғиз ва ёрдамга муҳтож қариялар дори-дармон, ортопедия буюмларидан бепул фойдаланмоқда. Уларнинг газ, сув, электр энергиясидан имтиёзли фойдаланиши учун имконият яратилди. (ЎзА).

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

СОЛИҚ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАНСА

Биз бу сарлавҳани бежиз қўганимиз йўқ. Зотан, шу тариха иш тутганимиздагина давлатимиз иқтисодий жиҳатдан мустақкам бўлади. Ван-техника, маданият тармоқлари ривож топади. Аҳоли саломатлигини муҳофаза этишининг мустақкам пойдевори яратилади.

Вақт ўтган сайин ҳар биримизда солиқ ҳақида етарлиқ билим ва кўникмалар пайдо бўлаётгани сир эмас. Юртбошимиз эътироф этганларидек, аини шу омил тўлов интизомини сезиларли даражада мустақкамлашни учун ишончли омил бўлаётди. Туманимизда олиб борилаётган мониторинг хулосалари ҳам шундан далолат бериб турибди.

Энди тадбиркор, кичик ва ўрта бизнес ходимини бундан 5-6 йилги шу соҳа кишилари билан таққослаб бўлмайди. Бугунги тадбиркор билдики, солиқлар унинг қўлини боғлаб қўймайди. У асосли, барқарор ва мослашувчан пойдеворга эришади. Бундан солиқчи ҳам, солиқ тўловчи ҳам мамнун бўлади.

Туманимизда ҳозирги маълумотларга кўра ягона солиқ тўловчи ҳуқуқий шахслар 54 нафар, яъни даромад солиғи тўловчи корхоналар 137 тани, ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчи корхоналар 765 тани ва нийҳат умумий тартибда солиқ тўловчи меҳнат жамоалари эса 382 тани ташкил этади. Бюджет ташкилотларининг сони эса 80 та. Туман давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтиб, назоратга олинган ҳуқуқий шах-

слар 1408 нафар бўлиб, уларнинг фаолияти тегишли қарорлар ҳамда солиқ қонунчилиғидаги амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида текшириб борилмоқда.

Албатта, ҳамма жабҳада ҳам ишлар силлиқ кўчапти, деб бўлмайди. Ҳамон орамизда олаётган даромадларини яшириб, солиқ тўловларини мумкин қадар четлаб ўтишга ҳаракат қилаётганлар йўқ эмас. Аммо уларнинг кирдикорлари барибир ошқор бўлмоқда.

Кейинги ўтказилган текширишлар жараёнида акциз марказиз тамаки маҳсулотларини сотаётган ёхуд нақд савдо пулини банк муассасасига топширмай, қонуни четлаб ўтаётган қатор шахсларнинг кирдикорлари очилиб қолди. «Акрамобод» фирмаси (раҳбари О.Жўраев), 6-сонли дорихона (сотувчиси Ш. Ашуров), «Нигора» хусусий савдо дўкони (раҳбари Г.Ҳайдаров), «Остонбобо» фирмаси (раҳбари К.Саломов), «Камол», «Алишер» хусусий фирмалари фаолиятини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, Ибн Сино номли дорихона, «Бахтиёр» кичик корхонаси, «Квант-95», «Тарона» фирмалари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар, қонун бузилиш ҳолатларига ҳам чек қўйилди, сохта тадбиркорларнинг хатти-ҳаракатлари атрофлича ўрганиб чиқилиб, тегишли чоралар қўлланилди.

Илхом АШУРОВ,
Ромитан туман Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи.

«ОСИЁ-ИНВЕСТ БАНК» НИЗОМ САРМОЯСИНИ КЎПАЙТИРДИ

Россия бозорида беш йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Осиё-Инвест Банк» Россия ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ҳамда мустақкамлашга кўмаклашиш мақсадида Россия Федерацияси ҳуқуқматлари ўртасида тузилган битимга мувофиқ ташкил этилган мазкур банкнинг устувор вазифаларидан бири саналади.

«Осиё-Инвест Банк» - Россия Федерациясида ўзбек сўмларида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ягона банкдир. Ушбу банк Ўзбекистон банклари ва Россия

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Андижонда жорий йилда дастлабки бунд иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. 135 та корхона ва ташкилот, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган жисмоний шахслар шахарликларга 500 та иш ўринини тақдир этди.

— Меҳнат ярмаркаларида одамларнинг иштироки анча фойдаланди, - деди шаҳар ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими мудири И.Масолиев. - Улар тақдирларни қизиқиш билан ўрганмоқда, ўқиш ниятини билдиришмоқда. Ўз вақтида мутахассислик бўйича тўхтаб қолган фаолиятини давом эттиришни хоҳловчилар ҳам бор. Биз фуқароларнинг бу тоифасига ҳам ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилмоқдамиз, чунки улар яхши мутахассислар ҳисобланади. Олдинда ёз - меҳнат фаолиги ортадиган давр. 41 та корхонага мавсумий иш мавжудлиги тўғрисида сўровномадан жўнатдик. Ярмарка туфайли 100 дан ортиқ киши иш билан таъминланди, ўнлаб ёшлар тақдир усталар қўлида миллий хунармандчилик сирларини ўргана бошлади.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди


шарт. Аммо бунга амал қилинмаган. Ишдан талаб фақатгина у ишдан бўша-тишга буйруқ чиқарилгандан сўнггина амалга оширилди. Шунингдек, иш берувчи муддатли меҳнат шартномасини тузишда,

КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИ БЎЛСАДА...

албатта, Меҳнат Кодексининг 76-моддасига биноан бажарилмаган ишнинг хусусиятлари, унинг бажарилиш шартлари ҳамда ходимнинг манфаатларини ҳисобга олиши зарур эди. Юқоридаги ҳолатларга асосланиб, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш

ган шифокор ҳуқуқини ҳимоя қилиши сўраб вилоят тармоқ кўмитасига мурожаат этди ҳамда текширишлардан сўнг ўз вазифасига қайта тикланиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун туман марказий шифохонасидан унинг иш ҳақи унириб берилди. Қонун устувор бўлган жойдагина адолат қарор топади. Юқоридаги ўз ходимларини ноқонуний равишда бўшатган раҳбарлар шунга амал қилиб, йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб олишса, аини мудоао бўларди.

Н.РАФИКОВ,
«Ишонч» мухбири.



Бахтли олар

ХИ АСРГА ДОИР ТОПИЛМА

Жиззах вилоятининг Зомин кўрғонидаги Четарик гузариде олиб борилган археологик изланишлар натижасида янги қадимий буюмлар топилди. Бу ердан қазиб олинган шамдон ва теғирмон тоши Зомин тарих музейига топширилди. Археология институти илмий ходимларининг фикрича, ушбу топилмалар XI асрга тегишли бўлиб, жуда яхши сақланган.

Топилмалар орасида, айниқса, шамдоннинг мохирона ишланган киши эътиборини тортди. Олимлар у бадавлат хонадонга тегишли бўлганини таъкидламоқда. Археологларнинг маълум қилишларича, ўтмишда Четарик гузари ўрнида шарҳча бўлган.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

Ўшанда Мўтабар иккинчи синфда ўқирди. Онаси билан Хивани зиёрат қилишга боришти. Мовий гумбазлар, осмонлар миноралар, мад-расалар пештоқида битилган қошиндаги нақшлар уни хайратга солди. Уларни узок томоша қилди, шунда онаси бироз ҳаяжонланиб:

ва хатто мусобақаларида ҳам қатнашиб келмоқда.

Хозараспик истеъдодли киз шу тумандаги педагогика касб-

МИНИАТЮРА СЕХРИ

— Тезроқ юрасанми, йўқми, ахир бунақада шаҳарни бир ҳафтада ҳам айланиб чиқолмайсан-ку?

Мўтабар онасининг дашноларига эътибор ҳам бермади. Унинг

бўлгасан, шу касбга униб ўсгансан, — дея оқ фотиҳа берди. У қизалоқнинг ҳар бир чизмасини қалби шодликка тўлган ҳолда қабул қиларди.

Ёз ойлнинг ўрталари эди. Ўн икки ёшга қадам қўйган Мўтабар кун чикмай ўрнидан туриб, томага чиқиб кетди. Бундан таажубланган бобоси ҳам унинг ортидан эргашди ва қизик холатга дуч келди. Мўтабар расомлик тахтасига қоғоз қўйган ҳолда куннинг чиқшини чизаётган эди. Бахтиёр ака невараси чизган суратни кўриб, у ер, бу ерини тузатган бўлди. Кейин «Машқларингни давом қилдиравер, лекин мактабдан кечга қолма», деди.

Хоразмда қоғознинг ўзгача тури ўсади. Забардаст муштага ўхшаб кетадиган бу антиқа қоғоз тури маҳаллий аҳоли тилида нос кади деб аталади. Ота-бобоси унинг говак ичини очиб, нос солиб қўйгани учун шундай номланган. Нос кади яхши пишган, орадан беш-олти ой ўтгандан кейин ичининг туфли (мағзи) ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Силлиқ ва пишқиртидан маҳаллий хунармандлар турли хил идишлар ва сервизлар ясашади.

Мўтабар ҳам нос кадига турфа гуллар ва нақшлар чизабошлади. Унинг бу чизмалари бўлажак мусаввирнинг ўта нозик дидиллигидан далолат берарди. Шунингдек, истеъдоднинг бошқа қирралари ҳам намойён бўлабошлади. У мусиқа асбобларидан чангада ўзбек халқ куйларини берилиб чаларди. Шунингдек, спортнинг каратэ турига қизиқади

хунар коллежининг 1-курсида ўқияпти. Дада-си Куронбой Рўзиматов мусиқа сир-асрорларини ўргатади. Ўтган йилнинг ноябр ойида Огаҳий номидаги театр биносиде Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Бунга вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан истеъдодли қизлар ташриф буюришиб, ўз санъатлари ва ижодларини намойиш қилдилар. Театрга қирраверишда қўйилган кўрғазмада Мўтабар Рўзиматованинڭ ёғоч, қоғоқ ва тошларга битилган нақшлари, айниқса миниатюра асарлари кўпчилик диққатини ўзига тортди. Буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг «Хамса» достони асосида чизилган миниатюралари эса ажиб бир манзара кашф қилиб, кишини бўзаллик оламига етаклагандек бўларди.

Турли соҳа мутахассисларидан иборат хайъат аъзолари бир овоздан М.Рўзиматова ишларига юқори баҳо бериб, ушбу йўналишда голиб деб топдилар ва 50 га яқин турли йўналишдаги ишларини республика танловига тавсия қилдилар. Не бахти, республика босқичида ҳам голиб чиққан Мўтабар Рўзиматова Зулфия номидаги Давлат мукофотини зўр қувонч билан қабул қилиб олди.

Мўтабар бобоси орзу қилган истеъдод эгаси бўлиб етишти. У 15 ёшда. Унинг муваффақиятлари ҳам олдинда.

Э.ЗРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

самбо бўйича 24 мартаба Ўзбекистон чемпиони, фахрийлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Ўрол Жуманиёзов каби таниқли спортчиларнинг гиламга чиқишлари мусобақага файз бағишлади.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

Улугбек ПЎЛАТОВ

БУ ҚИЗИҚ

Филиппин давлатида инглиз ва тағол тиллари давлат тили ҳисобланади. Лекин етти мингга оролдан иборат бу мамлакатда яна камида саксонга яқин тил ва шевалар бор.

Қизиги шундаки, Филиппинда шундай тил ҳам борки, унда кўпи билан 50 нафар киши гаплашади.

Амазонка дарёси бўйлариде яшовчи ҳиндлар виорани тилида сўзлашади. Бу тил жаҳондаги бирорта тилга ўхшаймади ва ҳеч қандай тиллар оиласига мансуб эмас.

Виорани тили бор-йўғи икки юздан кўпроқ киши учун хизмат қилади.

Кичик Антиль ороллари гуруҳига кирувчи Доминика оролида эркеклар бир тилда, аёллар эса бошқа тилда гаплашади.

Шарқий Ҳимолайда яшовчи Ташбу қабиласида ҳам шундай тартиб бор.

Турк адмиралы Пири Рейс томонидан тузилган хариталар жаҳон олимлари эътиборини дарҳол ўзига тортди. Гап шундаки, у 1494 йилда турк султони Явус Салимининг хизматига ўтади.

1500 йилда ёш Пири испан флоты устидан ғалаба қозониб, султонга жуда ёқиб қолади. Султон унга «Рейс» деган фахрий денгиз унвонини беради. («Рейс» сўзи дохий, бошлиқ деган маънони билдиради).

1513 йилда у тўплаган маълумотлари асосида дунё харитасини тузиб, уни султонга тақдим этади.

1528 йилда эса у дунёнинг иккинчи харитасини тузиб, Явус Сулаймонга олиб боради. Бунинг учун Пири Рейс муносиб тақдирланади.

Лекин у бошқарган флотни 1554 йилда венецияликлар тормор қилганлар, султон адмиралнинг барча хизматларини унутиб, унинг бошини кестиради.

А.АЛИЕВ
тайёрлади.

ГУЛЛАР МАСКАНИ

Анджондаги энг йирик маҳаллалардан бири - Саъдий маҳалласининг 300 дан ортиқ вақили байрам дастурхони атрофида тўпланди. Бу ерда оксоқоллар, ихтимойи хатда фаол иштирок этаётган ёш авлод вақиллари ҳам бўлди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг қарорига кўра ўтказилаётган «Анджонни гуллаган улкага айлантирамиз» кўрик-танловининг биринчи босқичи ақунлари маълум қилинди.

Ушбу тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими, шаҳар ҳокимлигининг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, «Нуруний» ва «Маҳалла» жағмаларининг шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилди. - деди Саъдий маҳалласи фуқаролар йигини оқсоқоли С.Исмоилов. - Маҳалла фаолларининг республика вилоят марказлари бўйлаб сафарини ташкил этишни режалаштираёғимиз.

(Ў.А)

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Тошкентнинг «Шера-тон» меҳмонхонасида Дэвис кубоги мусобақаларининг навбатдаги босқичи учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистонлик теннисчилар 5-7 апрель кунлари Ўзбекистон миллий банки спорт мажмуасида Дэвис кубоги Осие-Океания минтақаси биринчи гуруҳининг иккинчи босқич плей-офф учрашу-ларида жанубий кореялик теннисчиларга қарши корта чиқади.

Қуръа натижаларига кўра 5 апрель кун Ва-дим Куценко Чунг Хе Сеокка қарши корта чиқади. Сўнгра Олег Огородов Сеунг Вок Вақ билан ўйнайди. 6 апрель кун Олег Огородов ва Вадим Куценко жуфтлик баҳсида Чунг Хе Сеок ва Донг-Хиун Ким билан учрашади. 7 апрелда эса Олег Огородов - Чунг Хе Сеок ва Вадим Куценко - Сеунг Вок Вақка рақиб бўлади.

Плей-офф учрашу-лари Осие-Океания минтақасининг энг кучсиз жамоасини аниқлаш учун ўтказилмоқда. Ўзбекистон - Корея Республикаси жуфтли-гида мағлуб бўлган жа-моа 20-22 сентябрь кунлари Индонезия - Ливан жуфтлигида ют-қизган жамоа билан куч синашади. Ўз навбати-да, энг сўнги жуфтлик-нинг энг кучсиз жамоа-си келаси йилдан Осие-Океания минтақ-асининг кучсиз жамоа-лардан ташкил топган иккинчи гуруҳида ўйнай бошлайди.

(Ў.А.)

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

ШАНЪБА

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Қари билганини пари билмас, дейдилар. Тўра Жуман уруш кўрган, қийинчиликларни бошдан кечирган шоир. Кейинги ўн йил ичи-да илҳомини жўшиб, ўзим ҳам ёшлариб кет-гандекман, дейди у қувониб.

Қуйида шоир машқларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЎЗНИ ЯХШИ ИНСОН ҚИЛ

Бўлса бойлигинг, дўстим, камбағалга эҳсон қил, Очик қўл бўл ҳамиша, мусофирни меҳмон қил.

Давлатнинг ихтиёри ўздан кетмасдан аввал, Кимки ёрдан сўраса, мушқулни осон қил.

Сахий бўлгани учун эсланади Ҳотамтой, Раҳмат ёғилсин десанг, мушқуларни осон қил.

Қаъба зиёратига тенгдир муҳтожга ёрдан, Аҳволи оғир бўлган касал, сағирга жон қил.

Фалокатга дуч келиб, ғам-ғуссага тўлганнинг Севинч солиб қалбига ва бошини омон қил.

Бор бўлиб емаганга яқин юрма сен Тўра, Номин қолсин десанг сен, ўзни яхши инсон қил.

ШУҚР

Эй биродар, тан-жонинг бўлса омон, шуқур қил, Кун кўришинг, яшашинг эмас ёмон, шуқур қил.

Ёр ҳажрида ғам-ғусса чекканингни унутма, Хонадонинг чироғи ўша жонон, шуқур қил.

Назар солсанг атрофга, учар тирноққа зорлар, Уйинг обод ўйнашиб қизу ўғлон, шуқур қил.

Хориждаги дўстларни бир кўришга зор эдинг, Бориб кўрдинг, улар ҳам бўлди меҳмон, шуқур қил.

Муҳтож эдинг ер, уйга, ҳозир бари муҳайё, Ишлаш, даврон суришга бордир имкон, шуқур қил.

Миллий гурур тикланди, ижодда ҳам қолди йўқ, Сеникидир, эй Тўра, яхши замон, шуқур қил.

Тўра ЖУМАН.

ЁШ РАССОМЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ

Республика болалар ба-дий ижодиёти марказида ёш ижодкорлар асарлари кўрғазмаси очилди. Унда марказнинг Бухоро, Самарқанд ва Термиз шаҳарларидаги тўғарақла-ри аъзолари ҳамда пойтах-тадаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг

Қилмиш-қидирмиш ХОМТАМА БЎЛГАНИ ҚОЛДИ

Жиззах вилоятининг «Зомин» божжона маскани ходимлари «КамАЗ»да 4,5 минг литр хуфия дизель ёқилгиси борлигини аниқлади. Фуқаро Ш.Жабборов уни Тожикистонда пуллаш учун олиб кетаётган экан. Шунга ўхшаш воқеа Анджон вилоятининг «Жонобод» божжона масканида ҳам юз берди. Божжоначилар «Обжувоз» айланма йўлида «ЗИЛ-130» машина-сини тўхтатиб адашмаган экан. Акс ҳолда 4 минг литр дизель ёқилгисини олиб чиқиб кетмоқчи бўлган қирғизистонлик А.Жўрабоевнинг қилмиши фош бўлмасди.

Қозғистонлик М.Наврўбоевнинг қинғир қилми-шига эса Тошкент вилояти божжоначилари чек қўйди. У «Минерал сув» божжона маскани атрофидаги хуфия йўл орқали 2 миллион сўмлик 10 минг метр матони ноқонуний равишда олиб чиқиб кетмоқчи эди.

(Ў.А.)

Ним табассум

Саёхатдан қайтган ки-шидан сўрашди:

— Француз тилини яхши билмас эдинг. Парижда роса қийналган бўлсанг керак?

— Мен-ку қийналганим йўқ. Лекин французлар ёмон қийнаlishди...

Ёши ўтган икки аёл ўза-ро суҳбатлашмоқда:

— Қўшни столга ўтир-ган анави одам боддан бери мен томонга кара-япти.

— Таажжубланадиган жойи йўқ, У — археолог.

Эри уйга тонг ёришай деб қолганда келиб, хо-тинини уйғотиб юбормас-лик учун оёқ учида юра-ётган эди. Хотини сезиб қолди:

— Бу сенми? — сўради у.

— Нима бало, бошқа бировни кутаясанми?

Мансур ЮНУС
тўлади.

ГИЛАМДА ТАНИҚЛИ ПОЛВОҢЛАР

100 нафарга яқин ишти-рокчилар учта гуруҳга бўлинган ҳолда 5 вазн бўйича голибчи учун ас-тойдил беллашдилар. На-тижада М.Алиев «Ғалаба-га бўлган иродаси учун», В.Белобров «Энг яхши тех-ника учун» ва А.Шокиров «Энг кекса фураши» мах-

сус совринлар соҳиби бўлишти. Мазкур беллу-шувда самбо, джудо бўйи-ча Ўзбекистоннинг уч кар-ра мутлақ чемпиони, бел-боғли кураш бўйича бир неча бор республика голи-би, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Аъзамжан Шокиров ва


самбо бўйича 24 мартаба Ўзбекистон чемпиони, фахрийлар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Ўрол Жуманиёзов каби таниқли спортчиларнинг гиламга чиқишлари мусобақага файз бағишлади. Ғолибларга диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

Улугбек ПЎЛАТОВ

МУКСИНАНИНГ ОЛТИНИ

Бўлғуси чемпионларимиз

Муксинанинг истеъдоди богчага қатна-наб юрган кезларидаёқ намойён бўлган эди. Қизалоқ телевизордан берилади-ган спорт кўрсатувларини жуда севар, ўзича уларга тақдид қилиб машқлар қилар, хуллас, ўзининг бу ҳаракати билан ота-онасини кулдириб юрарди. Кейинчалик ундаги бу интилиш беҳуда эмаслиги аён бўла бошлади. Мактаб-да ўтказиладиган мусобақаларда фаол қатнашадиган бўлди. Эътиборли томо-ни шундаки, Муксина уларда фақат иш-тирок этибгина қолмасдан олдинги ўринларни эгаллашга уринар ва бунга эришарди ҳам. Қарабсизки, учинчи-тўртинчи синфларда югуриш, турникка осилиш, қўл тўпи мусобақаларида голиблар сафидан жой олди. Бешинчи синфга ўтганида кўпчиликни хайратга солиб тўсатдан шаҳардаги спорт клубининг каратэ тўғарағига қатнаша бош-лади.



— Қиз бола бўла туриб нега бундай қиялпан ёки ўғил болалар билан муш-тлашмоқчимисан? - сўрашди дугонала-ри.

Муксина эса ҳеч иккиланмасдан шун-дай деб жавоб қайтарди: — Биринчи навбатда ўзимни ҳимо-я

...Мана туман санъат саройида ўғил болалар ва қизлар ўртасида республика биринчилиги мусобақалари давом этмоқ-да. Киокушин-кай каратэси бўйича таш-кил қилинган бу беллашувда аввалига ўғил болалар татамига чиқибди. Кейин қизларни гиламга туширишди. Ана шун-да норинликлар каратэчи қизнинг маҳор-атига гувоҳ бўлишти. Муксина барча ра-қибларини энгиб, олтин медал билан тақ-дирланди.

Биз Муксинадан йил бошида ўтган ўша мусобақа ҳақида сўрадик.

— Осон бўлмади ўшанда, - эслайди М.Собирова. — Бир неча рақиблиримдан кейин Наманган шаҳрилик Элвара Ғои-пова билан гиламга қикдим. Анча меҳнат қилишга тўри келди. Шунингдек, Мохи-чехрани энгиш ҳам осон кечмади. Тиним-сиз машқларим ёрдан берди.

— Бизнинг Муксинадан умидимиз кат-та, - дейди мураббий Ҳасанбой Асрид-данов. — У ғоят меҳнаткаш, машқ қилиб чарчамайди. Билмаган нарсаларини ўрга-нишдан эринмайди. Унинг келгусида ха-лқаро мусобақаларда ҳам муваффақият-ли иштирок этишига ишонамиз.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Мамура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилади 22.00

Махсуслимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табак. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.